

Mustahkam oila – yurt tayanchi

OILA DAVRASIDA

№ 38 (384)
2019 - yil
12 - sentabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqib boshlagan.

ОТ ИЗИНИ БОС(М)АЁТГАН

ТОЙЧОҚЛАР

ёхуд «СЕН ОДАМ БЎМАЙСАН...»
тарбия усулидан кимларни
яратяпмиз?




Бугун айрим
бадфеъл
болалар
қаердан
пайдо
бўляпти?
Кимлар
тарбиялаб
вояга
етказмоқда
уларни?

4-бет



**УЧИНЧИ
РЕНЕССАНС**га
пойдевор қўйилди.

2-бет



ҚОДИРИЙнинг
120 **ИЗДОШИ**

3-бет

800 ЙИЛЛИК
ТАНГА ТОПИЛДИ.

2-бет



Келин ва қайнонага
СИРЛИ МАКТУБ

5-бет

Шоирдан
ЭНГ ЯНГИ ГАП

8-бет

«Оила даврасида» газетасига

2020 йил учун ОБУНА

Обуна индекси — 193

«Оила даврасида» — энг
арзон, энг қизиқарли ва
оилангизнинг ҳар бир аъзоси
учун энг фойдали нашр!

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз,
мулоҳазангиз, муносабатингиз билан
чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!



uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ДАВРИГА ПОЙДЕВОР ҚЎЙИЛДИ

**«СИЗЛАР ЭНДИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ «ОЛТИН
ФОНДИ» БЎЛДИНГИЗ.
ХАЛҚНИНГ, МАМЛАКАТНИНГ
БУЮКЛИГИНИ ТАРАННУМ
ЭТАДИГАН НАРСАЛАР КЎП.
ЛЕКИН ЭНГ АФЗАЛИ БИЛИМ
БИЛАН НАМОЁН ЭТИШ...»**



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 10 сентябрь куни Тошкент шаҳрида иш бошлаган Президент мактабини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз учун энг катта муаммо – бу бугунги замон талабларига мос кадрлар етишмаслигини, барча соҳаларда инновацион ва креатив фикрлайдиган, илғор технологияларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёж жуда юқори эканини таъкидлаб келади.

Чунки, мураккаб ўтиш даврида мактаблардаги таълим сифати пасайиб кетди, коллежларда давомат номига юргизилди. Ижод мактабларининг йўқлиги, маданият ўчоқлари, тўғарақлар фаолиятига эътибор қаратилмагани бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Ёшларимиз билимсиз бўлиб улғайди, айримлари ёмон йўللарга кириб кетди, базилар эса чет элларда сарсон-саргардон юрибди.

Шу боис, Шавкат Мирзиёев бу масалага ўз ташвиши ва дардидек қаради, юртимизнинг эртанги кунни замонавий кадрларга боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаб, бунинг учун таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавий эгалари этиб тарбиялашни устувор вазифа сифатида ўртага қўйди.

Ҳақиқатан ҳам, ривожлан-

ган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият ҳаётини ўзгартиришга қаратилган ислохотлар аввало, таълим тизимидан, боғча, мактаб, тарбия масаласидан бошланганини кўрамиз. Чунки мактабни, таълим-тарбияни тартибга солмай туриб шахсни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йил ноябрь ойида Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида мамлакатимизни янги тараққиёт босқичига кўтариш учун, аввало, янги авлод кадрларини тайёрлаш зарурлигини, шу мақсадда юртимизнинг ҳар бир ҳудудда биттадан янги тоифадаги мактаблар – Президент мактаблари ташкил этилишини таъкидлаган эди. Жорий йил 20 февраль куни давлатимиз раҳбарининг «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Президент мактаблари ихтисослаштирилган таълим муассасаси шаклида ташкил этилади. Бу мактабларга ўқувчилар 4-синф битирувчилари орасидан мантйкий фикрлаш тестлари, Ёзма имтиҳон ва суҳбатлар натижаларига кўра қабул қилинади. Мактабнинг йиллик қабул квотаси 24 ўқувчидан иборат бўлиб, иккита синфга бир хил – 12 нафардан ўқувчи тақсимланади. Таълим жараёни хориждаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда

ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилади. Табиий ва аниқ фанлар, хорижий тиллар билан бирга ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ўзлиқни англатиш учун ўзбек тили ва адабиёти, тарих ва бошқа фанларга ҳам алоҳида аҳамият қаратилади.

Президент мактабларида «STEAM – таълим» (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – санъат, Mathematics – математика) дастури жорий этилади.

Тошкент шаҳрида очилган Президент мактаби янги тоифадаги билим масканлари учун андоза бўлади. Мазкур ўқув маскани тузилиши жиҳатидан аънавий мактаблардан фарқи равишда ихчам ва билим олиш учун қулай. Мактаб 168 ўринли бўлиб, 12 та синфхона, 2 тадан информатика ва инглиз тили хоналари, физика, кимё, биология лабораториялари, ётоқхона, ошхона, хорижлик ўқитувчилар учун 15 ўринли меҳмонхона мавжуд.

Жорий йилда мактабнинг 5-10-синфларига ҳужжат топширган 7 мингга яқин ўқувчидан 144 нафари қабул қилинди. Канаданинг «Teach Away» ва Буюк Британиянинг «TIC Recruitment» рекрутинг компаниялари билан ҳамкорликда мактабга 20 нафар чет эллик мутахассис танлаб олинди. Шу-

нингдек, 72 нафар малакали ва тажрибали маҳаллий ўқитувчи жалб қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев мактабда яратилган шароитлар билан танишди, ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Бу ҳаётингиздаги биринчи синов бўлди. Меҳнат, билим, адолат нима эканини кўрдингиз. Барчангизни шундай нуфузли мактабга муносиб топилганингиз билан чин юракдан табриклайман. Сизлар энди Ўзбекистоннинг «олтин фонди» бўлдингиз. Халқнинг, мамлакатнинг буюклигини тараннум этадиган нарсалар кўп. Лекин энг афзали билим билан намоён этиш. Ёшларимиз орасидан Хоразмийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар чиқишига барча асосларимиз бор. Бугун – тарихий кун. Илгари юртимизда бундай шароит бўлмаган. Энди чет элдан нуфузли меҳмонлар келса, катта-катта заводларни эмас, Президент мактабларини кўрсатамиз. Сизлар билимингиз, чиройли хулқ-одобингиз, ватанпарварлигингиз билан ҳамма ёшларга намуна бўлишингиз керак. Келгусида Ўзбекистон тараққиётига таъсир кўрсатадиган кучга айланишингиз лозим, деди давлатимиз раҳбари.

Давлатимиз раҳбари хорижлик ва маҳаллий ўқитувчилар билан ҳам мулоқотда бўлди.

Юрагимдagi гапимни билишингизни хошлайман: сизларга энг катта бойлигимни

ишониб топширяпман. Болаларимизнинг чакнаб турган кўзларини, илмга чанқоклиги ва билимга интилишини, ғурурифтхорини кўриб, йўлимиз тўғри эканига ишонч ҳосил қилдим. Ислохотларимизга, фарзандларимиз тарбиясига елкадош бўлаётганингиз учун сизларга миннатдорлик билдираман, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида Президент мактабининг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди. Унда, жумладан, шундай сўзлар бор:

«Бугунги кунда юртимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатида, бутун жамиятнинг устувор вазифасига айланмоқда.

Янги Ўзбекистонимизни юксак тараққиёт босқичига кўтаришдек эзгу ниятимизга янги ва мустақил фикрлайдиган, ўз Ватанини эшонидан ортққ сезадиган, унинг ёруғ келажакни учун садоқат билан хизмат қилдиган, фидойи ёшларни тарбиялаш орқали эришамиз.

Ана шундай салоҳиятли ва баркамол кадрларни тайёрлаш мақсадида республикамизнинг ҳар бир ҳудудда мулақо замонавий шаклдаги таълим муассасалари – Президент мактабларини ташкил этиш.

Мен ишонаман, бу масканлар эшонанон Ўзбекистонимизнинг эртанги тақдирини ўз қўлига олишга, глобаллашув даврида кескин беллашув ва рақобатларда гойиб бўлишга қодир шахсларни – янги Хоразмийлар, Фарғонийлар, Берунийлар, Улуғбекларни тарбиялаб етиштиради.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида фаолият бошлаган Президент мактаби халқимизнинг улғувор ва олижаноб орзу-ниятларини рўёбга чиқаришда барчага намуна бўлишига тилалашман.»

Шавкат Мирзиёев мактабнинг илк ўқувчи ва ўқитувчилар билан суҳбатда тушди, янги масканга замонавий автобус совға қилди, дея хабар берди ЎЗА.

Меҳнат ҳақи

БУ ЙИЛ ПАХТА ТЕРГАНЛАРГА ҚАНЧА ТЎЛАНАДИ?

2019 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра:

- ✓ машинада терилган 1 тонна пахта учун – 600 000 сўм хизмат ҳақи;
- ✓ қўлда терилган 1 кг. пахта учун биринчи теримда – 800 сўмдан, иккинчи теримда – 1200 сўмдан;
- ✓ мавсум мобайнида терим отряди раҳбарларига ҳар ойда 2 млн. сўмдан, терим марказлари раҳбарларига 3 млн. сўмдан меҳнат ҳақи тўланади.

Шунингдек, пахта тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотларига ва кластерларга пахтани териб олиш учун банклар томонидан йиллик 16 фоиз ставкада кредит ажратилади.

Бундан ташқари, қарорга кўра 2019 йил ҳосилини қисқа муддатда йиғиб олиш, теримчилар билан ўз муддатида ҳисоб-китоб қилиш учун Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига 2020 йилда қайтариш шарти билан фойсиз ссуда ажратилади.

БИЛАСИЗМИ?

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ПАХТА ТЕРИШ ОРҚАЛИ ТОПГАН ДАРОМАДИГА СОЛИҚ СОЛИНМАЙДИ

Солиқ кодексига мувофиқ, пахта йиғиб-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг пахта териш орқали топган даромадига солиқ солинмайди.

Археология

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИГА ОИД МИС ТАНГА ТОПИЛДИ

Фанлар академияси Археологик тадқиқотлар институтининг мутахассислари Навоий вилоятида яна бир тарихий ёдгорлик топди. У қўриқлаш миносаси қолдиғи эканлиги аниқланди. Шунингдек, темурийлар даврига оид мис танга, XI-XIII асрларга оид сирланган ва сирланмаган сопол идиш парчалари ҳам топилди.

Қўриқлаш миносаси ёдгорлиги чўқинди геологик жинслардан таркиб топган, баландлиги тахминан 80-100 метрлик тик қоя устига қурилган. Жойланиши тарихий-стратегик жиҳатдан қулай, Нурота тоғ тизмасини кесиб ўтадиган довоннинг энг юқори қисмида жойлашган бўлиб, ўтиш йўлини назорат қилувчи қўриқлаш миносаси

қолдиғи эканлиги аниқланди.

Ушбу жойдаги археологик қузатувлар натижасида XI-XIII асрларга оид сирланган ва сирланмаган сопол идиш парчалари, темирдан ясалган япроксимон пайкон учи, 22x22x4 см. ўлчамдаги пишққ ғишт бўлақлари ҳамда темурийлар даврига оид мис танга, 25-27x25-28x4-5 см. ўлчамдаги пишққ ғишт қолдиқлари, сирланмаган сопол идиш парчалари топилди.

Қўшимча тарзда темирга ишлов бериш қолдиқларининг қузатилиши шу атрофда темир ишлаб чиқариш устаноналари мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Қузатувлар жараёнида Македониялик Искандар (юнон даври) даврига оид топилмаган қузатилмаган, дея хабар беради ЎЗА.

ҚОДИРИЙ БОҒИДАГИ НИҲОЛЛАР

Буюк ёзувчи яратган мактаб қайта бунёд бўлмоқда, у ерда кимлар ўқийди?

Мозийга қайтиб...

«Отамдан болалик хотиралари ҳақида кўп нарсани эшитганман. Шулarning бирини отам бир воқеани айтиб берган эди.

Ўтган асрнинг йигирманчи йиллари бўлса керак, маҳалламиздаги кўпчилик болалар ўқишга бора олмай кўчада бекор қолиб кетган экан. Шунда буваимиз Абдулла Қодирий болаларга ўзлари яшаётган ҳовлининг бир бурчагида кутубхона ташкил қилиб берган эканлар. Кўп таб болалар шу кутубхонадаги китоблардан ўқиб илм олган. Кейинчалар улар орасидан Ватанга, миллатга хизмат қиладиган кўнгина фидойи инсонлар етишиб чиққан экан...» деб эслади буюк адиб Абдулла Қодирийнинг набираси Хондамир Қодирий.

Тарихимизнинг қалтис даврларида ҳам фарзандларни илм-маърифатли қилиш учун қўлдан келганича ҳаракат қилиш Абдулла Қодирий каби маърифатпарвар сиймоларнинг чинакам ҳаётий маънаси бўлган. Юртинг фақат билим воситасидагина озод қилиш, инсонларни ўқитиш орқали бахт-саодатга етаклаш мумкинлигини Абдулла Қодирий тараф англаб етгани шубҳасиз. Ҳақиқатда бехуда кўча чағитиб юрган ёш-яланг болалар вақти келиб илм орқали эл қорига ярайдиган забардаст инсонларга айланиш мумкинлигини кўра олган адиб ўз ҳовлисидаги кичик бир хонада болалар китоб ўқиши, илм олиши учун шароит яратиб берган. Бу келажак авлоднинг илм-маърифатли, маънавиятли қилиш учун ташланган муносиб бир қалам эди...



лий бир энциклопедиясига ўхшайди. Уни қайта-қайта ўқиган киши янги-янги қирраларни кашф этиб бораверади. Шу жиҳатдан ҳам бу улуг адиби-мизнинг ижоди алоҳида ижодий мактаб сифатида ўқитилиши лозим бўлган ҳодисадир. Мактабга саралаб олинган ўқувчилар келажакда Қодирий бобомиз бошлаган эзгу йўлни давомчилари бўлиши керак.

– Бу йил Абдулла Қодирий таваллудига 125 йил тўлди, – дейди «Ўзбеккино» Миллий агентлиги бош директори ўринбосари, адабиётшунос олим Шухрат Ризаев. – Бу инсон бир асрдан бери миллатимизнинг маънавий маёқларидан бири сифатида эътироф этиб келинади. Лекин тарихда адиб асарлари таққиланган, шахсияти қатагон қилинган даврлар ҳам бўлган. Истиклолдан сўнг давлатимизнинг олий мукофоти – «Мустақиллик» орденига муносиб кўрилган инсонлардан бири ҳам Абдулла Қодирий бобомиз бўлди. Лекин бу истиклол учун жонини фидо қилган аждодимизнинг фидокорона хизматлари билан ҳали бўйлаша олмас эди. Мана, ўтган йили давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари билан Қодирий шаҳсиятига улкан эҳтиром кўрсатишнинг янги даври бошланди, десак муболага бўлмайди. Президентимиз пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий боғи ҳудудида барпо этиладиган мажмуа ҳамда адиб номидаги ижод мактаби жадидлар яшаган давр руҳини бера оладиган ажиб бир ансамбль бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Бу жойларни кўрганда, адиб асарларини ўқиганда, ўша жойдаги ижод мактабида тахсил олаётган ҳар бир ўқувчида «қани, мен нима қила олдим?» деган бир савол бўлиши керак.

Дарҳақиқат, бундай савол нафақат шу мактабда тахсил олаётганларда, балки Абдулла Қодирийнинг китоблари орқали таниган-билган, эшитган ҳар

бир инсон қалбида акс-садо бериб туриши зарур. Йигирма беш яшар йигитнинг ўз Ватани келажакни қанчалик қайғургани, ўзини бу иш учун қанчалар дахлдор ва масъул деб билгани ҳар биримиз учун шубҳасиз ўрнатилган керак. Эртанги кун ана шу дахлдорлик туйғусининг амалдаги ифодаси орқали бунёд этилади. Шу ҳақиқатни фарзандларимизга тизимли уқитиб бериш эса янада долзарб. Янги ташкил этилган Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчиларини фақатгина эстетик завқ берадиган бадий

адабиётга бўлган қизиқиши ва меҳрини сезган ҳолда шу мактабнинг саралаш имтиҳонларидан ўта олишига ишонган эдик. Ҳозирда у юқори натижалар билан 6-синфга қабул қилинди. Абдулла Қодирийдек буюк боболаримиз йўлларини давом эттирадиган ёшларимиз сафи бундан-да кенгайверсин.

– Мен келажакда Абдулла Қодирий каби инсон бўлмакчиман, – дейди мазкур ижод мактабининг 8-синфига ўқишга қабул қилинган ўқувчи Камола Эрматова. – Бу менинг орзум. Бадий асарларни, айниқса,



Маънавият маёғи

Мана, бугун орадан қарийб юз йил ўтди. Буюк адиб хонадонига ўтказилган ўша мурғак ниҳоллар қайта бўй кўрсата бошлади. Ватан озодлиги, миллатнинг эркин ва фаровон ҳаёти йўлида курашган, оқибатда, тўққиз ой хибсада тутилиб, суди бўлишидан бир кун олдин – ҳатто ҳукм ўқилмасдан қатл этилган истиклол фидойиларидан бири – буюк бобомиз Абдулла Қодирийнинг бекиёс маънавий мероси эътибор ва эъзоз топаётди. Пойтахтимиздаги адиб номи билан аталувчи боғда қатта ва мухташам мажмуа барпо этилмоқда. Адиб яшаган хонадонда унинг уй музейи ҳамда кутубхона ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилган. Яқинда эса адиб ижоди ва

фаолиятини ёш авлодга янада чуқурроқ ўргатиш, унинг миллатимиз тарихи, адабиёти ва маънавиятида тутган ўрнини кенг тарғиб қилиш мақсадида Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ташкил этилди.

– Шу пайтгача республикамизда олтинчи ижод мактаби фаолият кўрсатиб келаётган эди, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Нодир Жонузоков. – Янги ўқув йилидан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ҳам иш бошлади. Қодирий миллатимизнинг буюк раҳнаомларидан бири. Унинг қолдирган меросини ўрганиш истиклолимизнинг тамал тошини қўйган улуг адибимизга муносиб ворислик бурчимиздир. Қодирий асарлари гўёки миллатнинг мил-

асарлар яратиш эмас, аввало, Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр каби ўнлаб сиймолар бошлаб берган инсониятни сўз воситасида, илм-маърифат орқали юксак-юксакларга олиб чиқиш йўлини ҳам изчил давом эттириш каби масъулият кутмоқда. Бунинг учун илмининг игна билан қудуқ қазиш каби машаққатли йўлни босиб ўтишга тўғри келади.

– Абдулла Қодирийнинг ҳаёти 1926 йилдан кейин жуда кўп сурунларда ўтган, – дейди қодирийшунос олим, профессор Баҳодир Каримов. – Шундай бўлса-да буюк адиб бизгача бериб қолган ажиб сара асарлар қолдириб кетди. Энди бу асарларнинг ҳамма қирраларини ўрганиб, талқин этиш учун қатта шароитлар яратилляпти. Ишонаманки, бугун Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабида тахсил олаётган ҳар бир ўқувчи ўз ижодий-илмий ишлари билан қодирийшуносликка муносиб ҳисса қўша олади. Айниқса, адиб асарларининг тили алоҳида ўрганилиб, ҳар бир ижодкор ундан андоза олиши ҳамда бу тилни янада бойитиши муҳимдир.

– Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабининг очилиши биз учун қатта хурсандчилик бўлди, – дейди Шоҳида Самадова. – Адабиётга қизиқувчи, адабиётни севувчи ҳар бир ёш учун бу жуда қатта янгилик ва хушхабардир. Шу қаторда менинг фарзандим Дурдона Ҳикматуллаева ҳам ушбу мактабининг ўқувчилари сафига қўшилганидан жуда ҳам мамнунман. Фарзандимнинг

Қодирий ижодини ўқиб бораман. Яқинда шундай ижод мактаби очилганини эшитганимда жуда хурсанд бўлдим. Шу мактабда ўқишимни давом эттириш фикримни ота-онам ҳам қўллаб-қувватлашди. Шундай даргоҳда ўқишни мен ўзимнинг илк муваффақиятим ва бахтим деб биламан.

Мазкур мактабга Камола каби Тошкент шаҳридаги 120 нафардан ортиқ энг иқтидорли ўқувчилар синов асосида саралаб олинди. Энг муносиб иктидор эгалари ушбу таълим масканига жамланди. Улар ота-оналари ва устоз-мураббийлари кўмағида ўз олди-га қўйган мақсадларига эришиш учун жиддий ҳаракат қилишмоқчи. Ўқувчиларнинг ҳар бири дунёдаги олтинчи романчилик мактабига асос солган буюк маърифатпарвар боболари зиддан бориб, янги-янги муваффақиятларини қўлга киритишни ният қилишган.


Осмонга елка тираб...

Буюк инсонларни осмоннинг юкларини елкасида кўтариб турадиган баланд тоғларга менгашади. Бир пайтлар бундан юз йилча олдин Абдулла Қодирий ўз ҳовлисида ташкил қилган кутубхонада илм ўрганган болалар қуни келиб эл-юртга манфаати тегадиган сара инсонларга айланганидек, бугун бошланган хайрли ишлардан эртага бутун халқимиз бахраман бўлади. Умр бўйи эзгуликка хизмат қилиб, осмонга елка тутиб яшайдиганлар сафи бундан-да кўпайиб бораверсин.

Абдукарим АВАЗБЕКОВ

Ижтимоий тармоқларда

Баъзи раҳбарларга муаммо айтилганда...



Ва шу муаммо улар томонидан ечилганда...



ОТ ИЗИНИ БОС (М) АЙТАН ТОЙЧОҚЛАР

**ёхуд «СЕН ОДАМ БЎМАЙСАН...»
тарбия усулидан кимларни
яратяпмиз?**

Бугунги ёшлар ҳақида гапирмаган, уларни муҳокама қилмаган, тўғрироғини айтганда, уларга қараб тош отмаган ўрта ёш ва ундан катталар кам бўлса керак. Нимага шундай, нимага бугунги ёшлар бизга ёқмайди, ахир уларни ўзимиз, ҳар биримиз ўз уйимизда тарбия қиляпмиз-ку. Нимага ўзимиздан нолимаймиз-да ёшлардан нолиймиз?



Ҳеч бир ёш дунёга ўз билими, ўз қонун-қондаси, ҳатто ўз миллати билан келмайди. Айнан биз уларни шундай тарбияляпмиз. Тўғриси, ҳаётийроғини айтганда, ўзимизнинг кўчирма нусхаларимизни яратиб, яна ўз тарбия маҳсулимиздан ўзимиз тинмай нолияпмиз.

Тарбия жараёнида фарзандимиздан кўп нарсаларни талаб қиламиз. Аммо аввало ўзимиз уларга қанчалик амал қиляпмиз? Уйда фарзандимизга мана бундан бундай кил, бундан ундай қилма, деймиз-да кўчада, ҳатто ўз уйимизда ҳам бунинг бутунлай тескарсини қиламиз. Гўё фарзандимиз бундан кўрмайди, билмайди ёки бизга мумкин фарзандларимизга мумкин эмас, дея ўйлаймиз.

Бундай дейишимнинг сабаби, бир пайтлари, замона зайлига кулоқ солиб, мен ҳам замонавийлашиб, болаларимга «Ҳозирги пайтда замона бошқа, мана бундан бундай қилинлар...», деганимда болаларимдан бири: «Дада, сиз бизларни шундай коммунист қилиб тарбиялагансизки, энди ҳозирги сиз айтгандай қилолмаймиз», деган эди. Бу гапларим албатта ҳақиқий коммунистлар ва идеал орзудаги коммунизм тарозисига бир олтин тош, қонун.

Баъзи олимлар каби ёшлар, тўғрироғи, ҳозирги ёшлар «назариясини» яратмоқчи эмасман. Чунки ҳар бир замоннинг ўз ўсиб келаётган авлоди ва ўз юқори авлоди бўлади. Уларнинг бир-бирлари орасидаги муомала ҳам айнан ШУ ЗАМОНГА мос ҳолда кечеди ва зиддиятлардан холи бўлмайди. Бу фикрнинг тушуниш учун албатта айнан мана шу халқнинг урф-одатларини, тарбиядаги таянч нуқталарини яхши билиш керак. Бу билан бизнинг замондошлар ўз халқининг урф-одатларини билмайди, демокчи эмасман. Ҳаммамиз буюк ўзбек халқи вакилларимиз ва ўз халқимизнинг кадрятларини яхши биларимиз.

Аммо, бугунги кунда атрофда капитализм қонун-қоидалари ва талаблари

ёшларни ўз сиқувига олиб турган бир пайти уларнинг ҳар бири ўз замондан, рақобатли муҳитда ўз улушини бошқалардан юлиб олмоқчи бўлиб турган бир пайтда «Катталар гапирётганда жим тур», «Нарига бор, хали буларни тушунишга ёшсан, хой аҳмоқ, сен одам бўмайсан...» (бундан баттароқларини атайлаб келтирмаймман), деб турган пайтимиз, негадир ўзимизни айбдор қилмасдан эртасигаёқ мана шу ёш фарзандимизни ё нўнокликда ё бетгаочпарликда ва ёки бошқа салбий тийнатлар соҳибчилигида айблаб бошлаймиз.

Шу жойда айтиб ўтайин, боланинг кулоғига етиб борган ҳар бир сўз унинг миёсида умрбод қолади, 2 ёшида еган «нарсулфазол»ни унинг танаси унутмагандай, «Ҳой эшшак, одам бўмайсан...» деган сўзларни унинг миёси бутун умр ёдидан чиқармайди.


Бунинг учун уни гипноз ҳолатга келтириб 15 ёшида фалон кунни отанг сени фалон ишни қилмаганинг учун нима деб сўзкан эди, деб сўрасангиз тўлиқ оқизмай-томизмай айтиб бериши мумкинлигини олимлар билади. Мана шунин билар экансиз, энди ўйлаб кўринг-чи, бугун айрим эшакфелъ болалар қаердан пайдо бўляпти? Кимлар тарбиялаб вояга етказмоқда уларни?

Ҳозирги катта ва ўрта авлоднинг ҳаммаси советларнинг, социализмнинг, хусусий мулки йўқ йўқсилларнинг фарзандлари. Буниси ҳам камлик қилгандай, бизнинг авлод тобе мамлакат авлоди. Биз адолатни Тошкентдан эмас, Масковдан кутиб, тепамиздан ДДТ сепса ҳам жим пахта териб катта бўлган авлод. Шунинг учун бирор янги чиккан ҳоким «туш ариққа, мана бу тошни кўтариб турсан...» деса шундай қилаверариз. Яшаб турган уйимизни келиб трактор билан бузишни бошласа ҳам ўз уйимизни

химоя қила олмаймиз.

Юқори авлоддан гап бошласак, улар «Советларни...» кўриқлаган авлод. Улар «Ватанни...» химоя қилганлар. Аммо негадир бугун бир томондан МУСТАҚИЛЛИК деб хайҳот солаемиз, советларни ва у тизимни лаънатлаймиз... «Уларни ҳурмат қилиш керак, улар қон тўккан...», деймиз. 9 май ғалаба байрамими ёки хотира куними, деб бошқалар билан талашамиз. Бутун дунё советларнинг Афғонистонга қилган ҳужумини халигача қоралайди, аммо биз бу ноҳақликда мажбуран катнашганларни осмонга кўтарамиз. Ҳа, инсонлар сифатида улар айбдор эмас, улар мажбуран ноқонуний буйруқни бажарганлар. Хўп, шундай экан ҳақиқий ҳолатни тан олишни ҳам ўрганайлик, шундагина авлодлар орасидаги зиддиятларнинг баъзиларини тўғри тушунишга йўл топамиз. Шундагина ўз фарзандларимиз бизни ҳам тўғри тушуна бошлайди. Улар ҳам рақобатли бу дунёда ўз ҳақ-ҳуқуқларини ажратиб ола бошлайди. Бир томондан катталар гапирганда жим тур, десак. Иккинчи томондан, фермерларимиз ҳақоратланганда ҳамма айбларни катталару ҳокимларга юкласа-да ўз боламизни ўз ҳаққини талаб қилишга ўргатмаган бўлсак, ана энди КИМ АЙБДОР, деб бир ўзимиздан ҳам сўрайлик.

Катта авлод ёшларни тарбиялашдан эндигина сал четга чиқяпти. Ўрта авлод эса катталардан ўрганганини ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганча ўз кўнникмаларини ёшларга ўзлари хоҳламаса ҳам тикиштиришни қўймапти. Мана, уч-тўрт йил бўлдики, кичик авлод эндигина ўз ёшларини ҳаётга ўргата бошлади. Бу билан айтмоқчиманки, бугунги кундаги 25, қолаверса, 30 ёшдагилар ўз фарзандларини тарбияга олмоқда. Бу ёшдагилар ҳаёт рақобатини ўз таналарида седи, иш тополмай овора бўлади, қайсидир юртларда кезиб ҳам келди. Ана энди ўз фарзандлари бундай қийналишининг олдини олиш учун



**«Түүүүүр падарингга лаънат!
Ҳали ҳам ётибсанми?
Совет ўн бўлди. Ҳамма
ташқарида юрибди, сени
ётишингни қара ўхлаб. Мол
ичкаринда оч қоп ётибди.
Сен одам бўлмайсан... Сен
молсан. Сен...»**

уларни бизнинг тил билан айтганда «шафқатсиз» қилиб тарбиялашмоқда.

Тарбияга қолганда яна бир нарсани кўздан қочирмаслик керакки, бу ҳолатни ҳам атроф-муҳит шу даражада сиқувга олганки, ўзимиз кучимиз етмаган жойда динни ёрдамга чақирамизда «Исомда бундай дейилмаган... ёки исломда бундай дейилган...» қабилида ёшларнинг йўлини тўса бошлаймиз. Назаримда, дин ва эътиқод бу ҳар бир инсоннинг энг ички, ихтиёрий танлови бўлиб қолавериши керак ва бу ҳақда Конституцияимизда ҳам алоҳида қайд этилган.

Ҳар бир давр одамларига жиддий ва атрофлича таъриф ва талқинлар бериш мумкин. Улар кимгадир ёкса, албатта кимгадир ёқмайди. Чунки, ўзимиз ўзимизнинг ҳақиқий башарамизни кўришни негадир ёқтирмаймиз. Мана шу жойда ҳақиқат аччиқ бўлишини яна бир бор эслагим келади. Ахир, савдою фермерликни эълай олмаганлар авлоди ёшларга бу ҳақда ақл ўргата бошлаган пайти уларнинг иккаласини кузатишдан мароқли нарсая йўқ мен — психолог учун.

Шу жойда айтгим келади, ёшларимиз уриниб-суришиб, кўп ҳолларда бурнилари қонаб ўз йўлларини излаб кета бошлади. Уларнинг бу даражада қийналишларига камида йигирма беш зулматга зое кетган йиллар ҳам ачинарли сабоқ бўлди. Буни тан олайлик, фақат «буюк келажак сари» интилаверишдан воз кечайлик.

Бугун ҳам матбуотда, интернетда, қаерда бўлмасин катта ва ўрта ёшдаги авлоднинг ўрганиб қолган «установкаси ёшларга нақадар оғир мусибатлар олиб келишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Қонунларга сиғинишни ўргатишдан кўра фалончига ёки ҳокимга сиғинишни васият қилмоқчи бўламиз. Бутун дунё қонунларга сиғинишни, қонунлар доирасида аллақачон яшашни ўзларига ҚОНУН қилиб олганни тушунишни хоҳламаймиз. Тушунтира бошласангиз, советлардан қолган кўникамга таяниб Ғарбни, ғарблиқларни учқўғондан келтира бошлаймиз. Демократияга етиб келмасимиздан уларнинг демокра-▶▶

«...тиясини ҳақорат қила бошлаймиз. Энг бўлмаганда, хой мана шу демократия дегани ўзи нима экан, бу зормондани ҳам бир ишлаб кўрайлик, демаямиз. Даҳшатлиси, болаларимиз бу йўналишда фикрлай бошласа, бу талаблар билан яшай бошласа, ҳаддидан ошган кимсага тик бокиб қарши турса, «Хой бола, ўзингдан катталар билан бундай муомала қилма, биз мусулмонлармиз, шарқликлармиз...» деган минглаб иборалар билан боламизни ҳимоя қилиш ўрнига (аслида ҳимоя қилгандай бўлиб) уни ботқоққа қараб етаклаймиз.

Баъзи мисоллар келтирайин. Мана, советлардан қолган одат бўйича болаларни 7 ёшда мактабга етаклаймиз. Психологлардан бу ҳолатни ифодалашни сўрасангиз айтишади. Бутун дунёда болаларни 6 ҳатто 5 ёшдан мактабга беришади. Чунки етти ёшда боланинг «бунимачилик», яъни ҳамма нарсани бу нима, деб сўрайвериш даври аллақачон ўтган бўлади. Навоий бобомизнинг 5 ва 6 ёшларида минглаб сатрларни ёд билганини эсламаймиз ҳам.

Мактабларда ҳали-ҳамон билим бериш тартиби синфдаги энг ақли суст боланинг меъёрига қараб олиб борилади. У тушун-гунча бошқалар бурини чуқалаб ўтиришади. Аслида-чи, аслида ақли нокисроқ бола бу синфда икки, керак бўлса уч йил ҳам ўқийверсин, фақат унинг бу ўқинишни энди унинг ота-онаси қисман ТУЛАБ қўйсин. Шунда кимдир биров эртага аммасининг, холасининг кизига уylanмайди. Бу қон бузилишларнинг олди олина бошлайди. Яна бир ҳолат, советларнинг таълим тизими бола-га кўпроқ билим беришга асосланган эди. Айтишингиз мумкин, бунинг нимаси ёмон, деб. Ёмони шундаки, бугунги кундаги илмларнинг кўпайиб ва илгарилаб кетишини инобатга олсангиз, боланинг калласига у қанчалик даҳо бўлмасин ҳамма илмларни солиб тўлдириб бўлмайди. Болага мустакил илм ИЗЛАШНИ ўргатиш керак. Айни шу йўлни америкалик ва японияликлар XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида танлашди ва айнан мана шу сабаблар орқали бутун жаҳонда бу йўналишда илгарилаб кетишди.

Бундан минг йилдан кўпроқ илгари бир олим, бола кўза эмас, унинг калласини билимлар билан тўлдирсангиз, у бир шам, уни ёқиб юборинг, у ўзи илм излашни ўргансин, деган эди.

Биз юз ва ундан кўпроқ йиллар қарамликда ўсдик, тобеликда кун кўрдик, адолатни золимлардан, босқинчилардан кутдик. Рухимизга тобелик сингиб улгурди. Энди оёққа турар вақти келди, энди ўзликка қараб тик боқиш ва боқишгина эмас ўзликка бориш вақти келди. Шунинг учун болаларимизни рус тилидан кириб келган сўз билан айтганда аристократ руҳида, ўз тилимиз билан айтганда КИБОРлар қилиб тарбиялаш вақти келди.

Ахир биз туркийлар, туркийлар орасидаги ўзбеклар хар доим ўта қиборлари бўлганмизку, буни унутмайлик. Ахир «хой ..., одам бўлмайсан, катталарнинг олдида жим тур...» қабилидаги сўз ва ибораларни болаларимиз руҳига сингдиравсерак келажакимиз йўқ. Эшикни очинг, ташқарида ХХI аср, ахборот асри, билимлар асри, рақобат асри! Билим ва янгиликларни топиш ва ундан фақат фойдаланиш эмас, уларни яратиш асри.

Президент Шавкат Мирзиёев мана бу гапни бежиз бот-бот такрорламапти: «Одамларимиз эртага эмас, бугун яхши яшай керак». Шунинг учун ҳам фақат ўтмиши ва улуг боболари билан мактабни яшаган халқ жоҳил ва саводсиз бўлишини англаб етайлик. Ўша боболарга муносиб бўлиш учун уларнинг эртагидан ушлагина эмас, уларнинг рамзий қилиб айтганда елкаларига чиқиб керакку. Болаларимиз тарбияси мана шу тамойилларга таянса, мана шу орзуларга асосланса, шундагина келажакимиз чин маънода буюк бўлади.

Махмуд ЙЎЛДОШЕВ,
психология фанлари номзоди



Тахририятимизга келган ушбу мактубни газетада тўлон қилиш-қилмаслик борасида анча мулоҳазага бордик. Бир оиланинг сири кўчага чиқиб кетишига замин яратиб бериш мақбул иш эмас, албатта. Лекин бир оилага чиқал муносабатлар яна изга тушиб кетиши учун хат эгаси биздан шу мактубнинг газетада тўлон қилинишига ёрдам беришимизни сўрабди. Исм-шарифини, манзилни ва бошқа номларни сир тутибди. Бу – масаланинг кўпчилигига йўналтирилганидан дарак беради. Шу йўл билан нафақат хат йўналтирилган икки инсонни, балки ҳаётимиздаги кўплаб қайнона-келиндар орасидаги англашилмовчиликларга барҳам бериш мумкиндай туюлди. Нозикдиди ва сичқов оналаримиз кези келганда «қизини, сенга айтаман, келиним, сен эшит» қабилида иш тутишлари бежиз бўлмаган. Оиласини сақлаб қолиш, ундаги икки инсоннинг самимий муносабатларини тиклаш учун эсон қуйдираётган юрдошимизнинг ўтинчини ерда қолдирмадик.

Тахририят

ҚАЙНОНА-КЕЛИНГА

мактуб



«Онажон! Бу мактубни минг бир истиҳола билан ёздим. Уқиб, балки ҳозирги ҳолатингизни ўзгарттирарсизлар, деган умиддаман. Бизни ёлғиз бошингиз билан катта қилдингиз, қийналсангиз ҳам мени олийгоҳда ўқитдингиз. Тенгдошларим орасида кўнгли ўқимасин деб доимо қўлмаста тул тутқаздингиз. Бахтим-ни тилаб дуолар қилдингиз. Уйлантириб келинли бўлиш орзусида маҳаллалар кезиб келинликка номзодлар қидирган ҳам ўзингиз.

Бугун эса келин эмас, қизим деб, тилла узук-балдоқ тақиб ҳаммага кўз-кўз қилган келиннингиз билан араздан бошингиз чиқмайди. Арзimas айби кўзингизга улкан тоғдек кўринади. Хар доимги ишлари сизга ёқмай қолди. Бошқалар учун маромиди бўлган таомнинг тузи сизга шўр бўлиб туюлади. Тозалик ишлари ҳам хар сафар чала-яримлигидан нолийсиз.

Бетоблиги сабаб хизматингизда турмасан, ёлгон касалга чиқарасиз. Ота-онасини соғинганини айтиб, уларни қўриб келишга рухсат сўраса, энди ўн беш кундан ошганини айтиб, норози бўласиз. Келиб-кетганига бир ҳафта бўлган қизингизни соғиниб кўрдингиз келса, кел-

маётгани учун қайнонасини айблайсиз. Нега энди ўзингизни шу ўрунда бир ойнага солиб кўрмайсиз.

Набираларингизнинг бетоблигини айтиб, шифокорга олиб чиқмоқчи бўлсан, яна нималариндир сўзлаб дилини оғритасиз. Бизнинг давримизда бундай эмасди, ҳадеганга дўхтирча чиқавермас эдик, дейсиз. Нега энди ўзингизни келин бўлиб қайнонангизга хизмат қилиб юрган вақтингизни ҳеч эсламайсиз. Сизнинг кўнглингизни ранжитишиганди мен қайнона бўлсам, бундай қилмайман, деган уйлар жуда кўп ўтгани аниқ. Аммо бугун бошқаларнинг хатосини сиз ҳам айнан такрорламоқдасиз.

Икки ўртада мен бечора сарсон бўлиб, баъзида нима қиларимни билмай бошим қўриб қолади. Муносабатларингиз авваллари бундай эмасди-ку. Аёлимга нисбатан аслида қилишим лозим бўлган муомалани қилсам, сиз буни хушламайсиз. Онамдан гап бошласам аёлимнинг қўшлари чимирилади. Ахир эр учун бу икки

аёл ҳаётининг мазмуни, бирини деб иккинчисидан воз кечиб бўлмайди. Инсон қайси бармоғини тишласа ҳам оғрийди ахир.

Онаси, турмушимизнинг аввалида қилинган орзуларингиз эсингдан чиққан. Келиноининг оналга қилган беҳурматлигини кўргангизда кўнглингдан «мен келин бўлсам, қайнонама бундай номатқул ишларни қилмайман» деб ўзингизга сўз берганингиз ёдингдан чиқиб қолганига анча бўлган. Ота-онанинг дуоси билан кўкариб, эл олдида обрў топилишини билсангиз-да, қайнона-қайнотангдан бир оғиз ширин сўзини аяйсан.

Қайнона-келинингиз аразлари, роҳатланиб дам олиш маскани бўлган ўз уйиңдан бездиради. Уйиңда ўзимни бегонадай ҳис қиламан. Авваллари уйга таптиниб турган кўнгли иш соати тугаб, хонадон сари қадам босишдан ҳадиксирайди, яна бир жанжалнинг сувоҳи бўлмай-да, деган уй билан остона хатлаб уйга қираман.

Онажон, қайноналикни ҳукмронлик ўрнида қабул қилманг, илтимос. Келинингиз ҳам бошқа ота-онанинг эрка фарзанди. Сиз қизингизни авайлаб парвариш қилиб ўстирганингиздек уни ҳам уйдагилар эркалатиб катта қилишган. Келинингизга кўнгли ранжийдиган сўз айтишдан олдин бошқа ҳовлида келинлик вазифасини адо этган қизингизни уйланг. Сизни қизингизнинг бахти қувонтирса, келинингизнинг ота-онаси ҳам қизингиз турмушини тинчлигини қўриб севинади.

Онаси, сендан илтимос келинликни қуллик деб қабул қилма. Буни эр розилиги учун бир йўл деб қабул қил. Ота-онанга келинлари қандай хизмат қилишини истасангиз, шуни қайнонага қил. Бир кун келиб сен ҳам қиз узатиб, келин туширасан. Қайтар дунё деганлари сенинг бошингизга ҳам ўз соясини солиши мумкинлигини унутма.

Х.У.»

ЭШИТДИНГИЗМИ?

МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ НОҚУЛАЙ БЎЛГАН ХУДУДЛАР ҚАЙСИ, БУ ЕРДА ИШЛАЁТГАНЛАР ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАРГА ЭГА?

Хукумат қарори (743-сон, 06.09.2019 й.) билан Табиий-иклим ва маиший шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойларда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга туман коэффициентларини, шунингдек, уларга ҳар йили бериладиган қўшимча таътилнинг энг кам муддатини белгилаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Йиллик устама ва йиллик қўшимча таътиллари табиий-иклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхатига киритилган жойларда ишларни бажарувчи барча ходимларга қўлланилади ва берилади. Бунда устама миқдори ушбу жой учун белгиланган таътилнинг коэффициенти иш ҳақи суммасига кўпайтириш орқали белгиланади.

Рўйхатга кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Кўнғирот туманлари 30 фоиз ва 3 кун; Қораўзақ, Кегейли, Канликўл, Нукус, Тахтақўпир, Чимбой, Шуманой туманлари ҳамда Кўнғирот шаҳри 20 фоиз ва 2 кун; Тахтиатощ ва Хўжайли туманлари 15 фоиз ва 1 кун; Беруний, Тўртқўл, ва Эликкальа туманлари (уларнинг туман марказларидан ташқари), Нукус шаҳри учун 10 фоиз устама ва 1 кундан кам бўлмаган муддатда қўшимча меҳнат таътили белгилади.

Устамалар ва қўшимча таътил кунлари Навоий вилояти туманлари учун қуйидагича: Учқудук

ва Зарафшон шаҳри – 60 фоиз, 6 кун; Томди ва Учқудук туманлари 50 фоиз ва 5 кун; Қонимех, Қизилтепа, Навбахор, Нурота, Хатирчи туманлари – 30 фоиз ва 3 кун; Кармана тумани ва Навоий шаҳри – 20 фоиз ва 2 кун.

Бухоро вилоятидан: Қоровулбозор тумани – 50 фоиз ва 5 кун; Газли шаҳри – 20 фоиз ва 2 кун.

Наманган вилоятидан: Поп тумани Чоркесар шаҳарчаси – 20 фоиз ва 2 кун.

Шунингдек, бандан тоғли туманларда ишлаганлик учун барча иктисодий тармоқлари ва хуудларнинг ходимлари учун:

– денгиз сатҳидан баландлиги: 1 500 – 1 700 метр – 10 фоиз ва 1 кун; 1 701 – 2 000 метр – 15 фоиз ва 2 кун; 2 001 – 3 000 метр – 30 фоиз ва 3 кун; 3 000 метрдан ортик баландликда – 40 фоиз ва 4 кун.

Устамалар ходим ушбу жойда яшайи ёки яшамаслигидан қатъи назар иш жойи бўйича тўланади.

Рўйхатда кўрсатилган хуудларга бир ойдан ортик муддатга хизмат сафарига юборилган ходимларга ҳам мазкур хуудда бўлган вақти учун ушбу жой учун назарда тутилган миқдорда устама тўланади.

Бунда устама меҳнатга доир қонун ҳужжатларида назарда тутилган сафарларда харажатларни қоплаш учун тўловдан қатъи назар тўланади.

ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАГАНЛАР

«Бўқадавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасида тер тўкаётган «замин шифокорлари»нинг астойдил саъй-ҳаракатлари эвазига она ер ортиқча шўр ва захдан, сизот сувларидан батамом ҳалос этилмоқда. Бунинг беқиёс натижаси эса аниқ: аҳоли даромади яхшиланиб, ҳосил салмоғи сезиларли ошмоқда. Мўл ҳосил эса турмуш фаровонлиги экани кундай равшан.



ИШБОШИ ВА ИЛҚ ҚАДАМ

Чўққи кўзлаганларнинг иши ўнг ва ўлжалик. Елкасида ҳар қалай ташвиш мўл, енчилмас, ҳа, Қирқ кўнгил ҳамияти, қирқ уй азияти бор. Юрт қўнглини топмаган кўнгил ҳам кўнгилмас, ҳа...

Назаримда шоирнинг юкорида икорорида жон бордай туюлади. Негаки, юксак мақсад ва марраларни забт этишни ўз олдига қўйган инсон борки, ажойиб нияти ижобат топишни чин дилдан истайди ҳамда шунга монанд ҳаракатда бўлади. Буни қаранг, ана шу биргина хоҳишнинг рўёбга чиқиши узок йиллар давомида томоркасида кўнгилдагидек ҳосил ололмасдан жиғибийрон бўлиб юрган кўппаб одамларнинг кўнгил оламини ёриштириб юборди. Сезган бўлсангиз керак, ҳозир гап она заминни кўз қорачигидек асрашга бел боғлаган «замин шифокорлари»нинг матонатли меҳнатлари томон кетмоқда. Агар ўхшатиш, таққослаш керак бўлса, дала-даштада юрган кимсани илон чакиб олди, шунда ёнидаги шериги илон захрини оғзи билан сўриб олиб туфлаб ташлайди. Алал-оқибат ҳавф чекиниб, унинг аҳволи сезиларли равишда ахши томонга қараб ўзгаради. Таъбир жоиз бўлса, «замин шифокорлари»нинг машаққатли ва масъулиятли вазифаси беморни ўз вақтида газанда захридан ҳалос этган ана шу нажоткор инсонга қиёс. Чунки зах, шўр, сизот балоси ерни бемалол, эмин-эркин, бамайлихотир нафас олишига, яшашига имкон бермайди. Шундай бир кезде соҳа ходимлари унга кўмакка келади.

Тошкент вилоятининг ўзида ана шундай вазифани адо этишга бел боғлаган жамоалар талайгина. Улардан бири «Бўқадавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасидир. Мазкур корхона ишчилари ерининг тинка-мадорини қуритиб, унинг

жонини оғритаётган балолардан холи этишга бевосита масъул ва жавобгар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги «Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра ташкил этилган мазкур корхона то шу кунга қадар вилоятнинг Бўқа, Бекобод, Оққўрғон, Пискент, Паркент, Охангарон, Чиноз, Қўйи Чирчик, Юкори Чирчик, Қибрай, Янгийўл тумани худудларида аниқ ва мақсадли ишларни адо этди. Айни паллада эса Нурафшон шахри, Бекобод, Бўқа, Пискент, Қибрай, Чиноз туманларидаги қатор манзилларда ирригация ва мелиорация объекти бўйича зиммаларига юклатилган вазифани адо этиш билан банд. Яқин орада бу манзиллардаги қатор ер майдонларининг мелиоратив ҳолати ўнгланади. Олиб борилаётган режали ишлар шундан далолат бериб турибди.

Ақсар қишлоқда Усиб, тупроқ сикимлаганлар биледи. Ҳўзага худди чақалоққа қилингани сингари меҳр бериш керак. Очиғи, ғўзани вақтида ишлов бериб, фарвариш қилганингиз сари ранги очилиб, кўсаги кўпайиб, ҳосилига ҳосил қўшиливеради. Ақсинча, оғзина бепарволикка берилсангиз, йил бошидан далага маҳаллий ўғит чикармасангиз, арик-зовурларни тозаламасангиз, ерни сув бемалол юрадиган этиб текисламасангиз, эккан чигитингиз «қовоғини уйиб», «қаразлаб» мўлжалдаги ҳосилни бермайди. Яқинда вилоятнинг Бўқа тумани далаларида бўлганимда миришкор дехконларимизнинг обдан ва етарли меҳрига қониб лўппилуппи бўлиб очила бошлаган сон-саноксиз чанокларга кўзим тушди. Галдаги вазифа пишиб этилаётган ана шу ҳосилни нестнобуд қилмасдан йиғиштириб олишда қолган, деб қўйдим.

БАРДОШИНИ ТОҒЛАР СИНАР

Ростини айтсам, об-ҳавонинг ҳунар кўрсатмаган бирор йили бўлганими ўзи? Ё эрта кўкларнинг бошланишида, ё кеч кузнинг ўрталарида бирор-бир савдони дехкон бошига солмасдан қўймайди. Шунинг учун бундай вазиятга жангга шай турган аскар каби ҳозир бўлиб туриш керак. Ақс ҳолда йил бўлиб қилинган меҳнат эвазига етиштирилган ҳосилни бирдан кўкка совуриш ҳеч гап эмас. Ахир белида белбоғи, юрагида гурури, орияти бор инсон бундай қийин паллада қийинчиликдан чиқиб кетишининг иложини топади. Бу ишни рисоладагидек бажаришга, эплашга албатта, укуви келади дехкон халқининг. Миришкорлар нимага эришган бўлса, механизация, ирригация соҳасининг ёрдами туфайли эришган. Бу жараёнда айниқса, узок йиллардан бери ўзининг қадрдон даласидан бери келмай, эл-улус орасида етарли таъриба орттирган кексаларнинг панд-насихати ва ўғитларига доимо кулоқ солиб келинади. Бир учи уфқларга қадар туташиб кетган пахта пайқаллари ичида, ариқ ёқаларида эринмасдан ўз билганларини ёш зироатчиларга ўргатаётган оппоқ соқолли нуруний отахонларга кўзим ташурида бунга қайта-қайта амин бўлавераман.

«Узоқда юрсанг кишнашасан» деганлари ҳақки рост гап экан. Илгари бошда «замин шифокорлари»ни унчалик ҳам хўш кўрмаган, ёқтирмаган, уларга нописанд муносабатда бўлганларнинг ақсарияти бугунги кундаги ободончиликларни ўз кўзлари билан кўриб тилларини тишлаб қолиши. Ҳатто, баъзи ҳамкишлоқлар эндиликда соҳа ходимларини тилидан бол томиб, ҳурмат-эътибор билан мақташади. Негаки, кишлоқдан сал узок бўлмаган манзилларга кўчиб чиққан, боғ-ҳовлиларни қўнайитиб, ҳаммаёқ ям-яшил бўлиб кўзни қувонтириши учун одамларга «замин шифокорлари» озмунча кўмак қўлини

чўзишди? Бу сингари эътиборларнинг барисига кўпни кўрган Толиб бобонинг мана бу гаплари яқун ясайди:

«Мана, худудимиздаги барча экин майдонлари «Бўқадавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасининг ўз ишини қойиллатиб уддалаётган азаматлари саъй-ҳаракати билан обод гўшага айланиб улгурди. Илгарилари экин экиладиган ерларнинг, очигини айтганда, абажаги чиқиб кетган эди.

Ақалли рўзғор учун асқатадиган қишлоқ хўжалиги экинларидан тузуқроқ ҳосил олишининг ўзи бир азоб бўларди. Бу ишни уддалагучча она сутимиз оғзимиздан келган. Шундай бир қийин ва мураккаб вазиятда «замин шифокорлари» кўмакка келди.

Қисқа вақт ичида ернинг захи қочирилди, сизот сувлари, зах сингари офатлар чекинди. Кўпчиликнинг рўзғорига кут-барака оралади. Одамларнинг кўнглида умид оловланди. Хуллас калом, худудларимиз обод бўлди. Шу ўзгаришлар бўлгандан кейин қишлоғимиз ахли ўзаро келишиб, яхши, эзгу ният қилиб, битта қора қўйни сўйиб элга дастурхон ёзди. Бахонада соҳа ходимларининг иши ўзининг муносиб баҳосини олди. Давлатимиз ҳам бундайин эзгу ишларга томошабин бўлиб қараб тургани йўқ. Ақсинча, жамоага қандай қурилиш материали, қандай техника керак бўлса, ҳаммасини муҳайё қилди. Натижада «замин шифокорлари» туну кун тинмай сўзининг устидан чиқишга ҳаракат қилди. Ваъдасини бажарди ҳам.

ЙИГИТНИНГ ГУЛИ

Халқ дostonларининг бирида «Туйтали бўлса йигитнинг, уй рўзғори бут» деган доно ибора келади. Бунда алпомиш келбали, мард ва танти йигитнинг уй-рўзғор ишига нақадар укувли бўлиши зарур эканига ургу берилади. Чиндан ҳам оиласининг

тинчлик хотиржамлигини ўйлаб уни ҳеч нарсага зориктирмаган, мисратиб қўйган нор йигитларга бутун бир жамоа ишлаётганлар тақдирини ҳам бемалол ишониб топширса бўлади. Негаки, у бу вазифага ҳам жон-жаҳди билан киришади. «Бўқадавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасида ўзида ана шундай хислат ва фазилатларни жо этган йигитлар меҳнат қилади. Улар орият, орномусини ҳамма нарсадан устун ва афзал деб билишади. Шунинг учун ҳам ишида доимо унум, барака бўлади. Эргаш ака гавдаси чуваккина йигит бўлса-да, одами ўткир ва маъноли боқувчи кўзларида, ҳаракатларида алоҳида ғайрат, мислсиз шижоат сезилиб туради. У киши саволларимизга ҳам дадил ва дангал жавоб қайтарди.

– Ангарга (экинни ва пичани ўриб олинган далалар) бир учи туташиб кетган қаттагина қартадан мўлжаллагидан хийла кам ҳосил олинар эди. Сабаби, бу майдон узок вақт давомида шўр ва сизот сувлари балосига гирифторм бўлиб келаётганди. Ана шу ҳолатни инобатга олиб, вазиятни тўғри ва оқилона баҳолаб мелиорация тадбирларига зўр бера бошладик. Зудлик билан шу яқин орадаги захкаш тозаланди. Маълумки, дид ва ҳафсала билан тозаланган коллектор шу яқин масофадаги ер майдонларининг тинка-мадорини обдан қуритган захни ўзига тортиб олиш қувватига эга, – дейди «Бўқадавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонаси директори Эргаш РАҲМОНОВ. – Буни соҳа мутахассисларига қайта-қайта ўргатишга асло ҳожат йўқ. Қолаверса, бу масалалар экин экиладиган ерлар ҳолатини тубдан яхшилаш ҳамда мелиорация тадбирларини орқага сурмасдан амалга оширишга оид қатор қарорларда аниқ ва тушунарли тарзда кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун мавжуд коллектор ва зовурларни қишлоқда, таъмирлашда ишнинг рисоладагидек бажарилишига эътибор қаратамиз. Биласиз, етти ўлчаб, бир кесилган, қат-

ИШИ ДОИМ ЎНГ



та-кичик билан маслаҳатлашиб уддаланган иш хайри бўлади. Бугун ана шу тамойилга амал қилиб баҳоли қудрат зиммамизга юклатилган вазифани ўринлатиб келамиз.

Эргаш Раҳмоновнинг бизга маълум қилишича, бугунги кунда барча объектларда иш суръати бир дақиқа бўлса-да сусайгани йўқ. Бўка туманидаги «Алхажар-Жингилсой» хўжаликлараро коллекторини таъмирлаш-тиклаш, «К-4» коллекторини таъмирлаш-тиклаш, «Туркистон» худудида лотокли суғориш тармоқларини реконструкция қилиш, Қибрай туманидаги «Туркистон май» хўжаликлараро коллекторини таъмирлаш-тиклаш, «Коллектор-дренаж» тармоқларида таъмирлаш-тиклаш мелиорация объектларида, «Эски Буджугун», «Иранбек» (эски Бўсув) канални реконструкция қилиш ирригация объектларида, Пискент туманидаги «КЛД-3» хўжаликлараро коллекторини таъмирлаш-тиклаш мелиорация объектларида, «Эски Ердам» канални ПК 0+00 дан ПК 16+00 гача бўлган қисмини реконструкция қилиш ирригация объектларида,

Чиноз туманидаги «Ойдинкўл» хўжаликлараро коллекторини таъмирлаш-тиклаш, Бекобод туманидаги «К 2-2» хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш, Нурафшон шаҳрининг «SMART CITY» худудида ёпиқ ётик дренаж қуриш, яна тагин шу худуддаги суғориш тармоғини қуриш ирригация объектларидаги ишлар шулар жумласидандир. Бу сингари бунёдкорлик ишларини бажариш учун барча зарур техника ва ишчи кучи етарли.

УМИДЛАР ОЛОВЛАНДИ

Соф ва мусавффо ҳаво танага хуш ёқади. Бундай кезде бу гўшадан одамни сира-сира кўнгил узиб кетгиси келмайди. Ёмғир обдон чўмилтирган, ювган қуюқ дарахтзорлар қуёш нурида ялтиллади. Сон-саноксиз қушлар басма-басига тинмасдан қўшиқ қуйлай бошлади. Устига устак, замин ва осмон шунчалар тиникки, нафас олганнинг сайин салқин ва оромижон ҳаво танага сингиб бораверади. Бу манзилдан сал нарида эни салкам олти-етти метр келадиган каттагина коллектор ўтган. Ичкаридан беихтиёр қамишнинг шомолда чайқалгани кўзга ташланади. Пишқириб оқаётган сув манзили томон ошмади. Ана шу зовур ёқалаб бораётган уч-тўртта сувчи алланималар ҳақида гурунглашиб кетяпти. Назаримда улар коллекторнинг бугунги ҳолатини кўздан кечираётгандай таассурот қолдирди менда. Сўнгра хаммалари ўзларининг аргумоқларига ўтириб, янада юкорига кўтарилиб кетди.

Эргаш ака Раҳмонов кўнглида йиғилиб қолган анча-мунча гапларини, орзу-ниятларини ёнидаги ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Адхам Жанадиевга айтиш баробарида кўнглини бўшашиб, енгиллашар,

айни вақтда уни ўзига иш юзасидан яқин олишини билдириб, келажакдаги мушкул ва биров мураккаб ишларга пухта тайёрлагиси келарди. Улар зовурнинг лотатини текшириб юрганида, соҳилдан бир гала оққушлар париллаб кўкка кўтарилди. Шу яқин орадаги дарахтлар устида пастлаб учаятган қушларнинг аллақайсиси нукул яна сувга қайтиб шўнғимокчи экани шундоққина сезилиб турарди.

«...Адхамжон, сиз билан мен тешани нукул ўз томонимизга чопсақ, бирор бир ўяли иш чикмаслиги аниқ. Аксинча, арра бўлиб, бирни у ёкка, бирни бир ёкка торганнимиз тузукроқ бўлади. Колаверса, бундан жамоадаги ака-укаларимиз ҳам бирдай наф кўради. Шунинг учун иш жараёнида доимо темир интизомга, адолат тамойилига амал қилишимиз зарурга ўхшайди. Идорамиздан хийла олисда, очик далада уззу-кун тер тўкаётган шунқорлар ҳолидан ҳам қанда қилмасдан хабар олиб туришимиз керак...»

Назаримда улар ҳақиқий мардлик намунаси ҳақида гурунглашаётгандек, ўзлари эса яқол намуна кўрсатаётгандек туюлди қаминага.

КЕТМОННИ ТАРИХГА АЙЛАНТИРГАН ТЕХНИКА

Ўзбекининг беш кадоқлик каттагон кетмони таъриф у тавсифи дунёга кетган. Негаки, бундан эллик-олтмиш йилги бурунги кетмонлар тонг отгандан то кун ботгунча тинимсиз, дам олдирмасдан ишлатилган. Шу боисдан ҳам аксарият иш қурулари худди кумуш мисоли ялтираб кетган ўша пайтларда. Ҳатто, уруш йилларида хўжалиқлар боғида катта дошқозонда ош дамланарди. Ҳашар пайтида тайёрланган ошни сузишга товоқ, лаган етишмасди. Шундай кезде бир киши ўзининг беш пудча келадиган каттагина кетмонини ариқ сувига ювиб келди. Кетмонга эса ошпаз икки капкир ош сузиб берган...

Ҳа, бугунга келиб кетмон кучи билан бажариладиган иш-

ларнинг аксарияти техникалар гарданига юкланди. Оқибатда техника дехкон аҳлининг «беминанат кўмакчиси»га айланиб улгурди. Унинг кучи ва ёрдами билан мисли кўрилмаган ишлар уддаланмоқда.

Давлат корхонаси жамоаси ҳам бундай техникалар кучига доимо таянади ва эқтиёж сезади. Корхонанинг техника паркни ҳовлиси худди сафдаги аскарлардек шай ҳолда турган турли хил русумдаги техникалар билан гавжум.

Буни қаранг, айнан «Ўзмелиомашилизинг» компаниясидан харид қилинган экскаваторлар сони нақ ўн еттитани ташкил этар экан. Бундан ташқари уч дона бульдозер ҳамда етарли микдордаги автосомасвал, автотреллер, ёқилғи ташиш автомашинаси, трактор, прееп ва бетон ишлаб чиқариш узели кучидан оқилона фойдаланиб келинмоқда. Сир эмас, қурилиш жараёнида бетон қоршимага бўлган талаб кучли бўлади. Ана шу ҳолат инобатга олинб 2014 йилда «Ўзмелиомашилизинг» компаниясидан тайёр бетон қоршима тайёрлаш узели сотиб олинди. Бугунги кунда мазкур ускуна билан малакали мутахассис Ақром Сулаймонов бемалол тиллашиб келади. Шу билан бирга, олисда дала-даштда меҳнат қилаётган ишчилар учун замонавий ва ҳар томонлама қулай бўлган дала вагонлари харид қилинган. Корхона жамоаси эришаётган муваффақиятларни қўлга киритишда Ёрмухаммад Сангинов, Назир Ҳатамов, Баҳром Усмонов, Ёқубжон Холбоев, Собир Бекназаров, Ўткир Усмонов сингари экскаватор хайдовчилари ҳамда директор ўринбосари Неъмат Алимов, бўлим бошлиғи Шуҳрат Холматов, хисобчи Машхура Бойрова, бош муҳандис Нуриддин Толибов, механизация бўлими бошлиғи Шуҳрат Раҳимбоев, касба уюшмаси қўмитаси раиси ҳамда кадрлар бўлими бошлиғи Хулқар Умрзоқова муносиб улуш қўшмоқда.

– Пайкалларнинг тупроғи зўр чикди. Зах балосидан аритиб, етарли микдорда сув берган сайин кўсақлар кўпайиб, пахта ҳам, ғалла ҳосили ҳам роса яхши етилмоқда, – дейди «Бўкадавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Адхам Жанадиев. – Буларнинг бариси корхонамиз жамоасининг мушнати бир ерга уриб қилаётган меҳнати туйфайли. Бундан ташқари жамоа давлат дастурига киритилган Пискент тумани Гулистон худудидаги «Жамагат», «Сарикул» ва «Шўр-1, Р-5» каналларини реконструкция қилиш, Бўка туманидаги «Туркистон Самарқанд» кишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги «ГТИ» ПК 0+00 дан 22+00 гача реконструк-

ция қилиш, «Ўрта Тепа» кишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги «7-қулоқ» ПК 11+00 дан ПК 16+00 гача реконструкция қилиш, Бекобод туманидаги «Ўзбекистон» кишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги «Х-13-1» ички ариғини ПК 126+50 дан ПК 132-00 гача реконструкция қилиш, «Ҳамза» кишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги «Чап ирмоқ» канали ГТИларини ПК 57+73, ПК 69+24, ПК 69+40, ПК 69+81 дан ПК 70+76 гача реконструкция қилиш, «Парча юз» канали ГТИларини ПК 23+30, ПК 26+60 дан ПК 26+90 гача бўлган қисмини реконструкция қилиш объектларидаги ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Насиб этса, мазкур объектларни ўз муддатда топширишга ҳаракат қиламиз. Ўтган йили режамиз ўн миллиард саккиз юз миллион сўмини ташкил этган бўлса, жорий йилдаги режа ўн беш миллиард сўмга етади.

ҚУВОНИБ ЮРСИН ҲАММА

Жамоада ишлаётган эллик чоғли одамнинг ҳар бири ўз дарди, қувончи, орзу-ўйлари бор. Аслида ҳаёт шунинг билан завқли. Бир қарасанг, турмушда айрим одамлар хушу хурсанд, ўйнаб-қулиб, хушчакчақ бўлиб юради, айримлар эса доимо жилдий, доимо дала ишию рўзгор ташвишлари билан банд. Нега шундай? Жамоа раҳбарияти ҳамда корхона касба уюшмаси қўмитасини айнан масаланинг шу жиҳатлари кўпроқ ўйлантиради. Ахир инсон ҳаёти давомида машаққатли юмушдан кейин рисоладагидек хордик чиқариши, чарчоғидан холи бўлиши зарур эмасми? Айнан шу ҳолат инобатга олинб ишчилар учун муносиб шарт-шароит яратиб беришга астойдил киришилди. Негаки, худди айнан шу мухайё этилган шароитдан келиб чиқиб, жамоага баҳо берилади-да. Нафақат жамоа ходимлари, балки улар ортида турган оиласи фаровонлиги учун тинимсиз елиб-югуришга, жавобгарлик ҳиссини туйишга тўғри келади. Ишчиларга ҳар куни уч маҳал иссиқ овқат берилади. Эллик нафар ишчининг дарду қувончларига шерик бўлиш, уларнинг тинч ва ҳеч нарсасга зорикмасдан яшаши раҳбариятнинг доимий эътиборида.

Сирасини айтганда, «Бўкадавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонаси жамоаси заминни турли хил балолардан аритиш мақсадида астойдил, чин кўнглидан енг шимариб ишга киришган. Зеро, ортиқча дардан батамом қутилган ер эса биз инсонларга турфа хил зироатчилик маҳсулотларини инъом этади. Тўқислик бўлган жойдан сира-сира хайр-барака кўтарилмайди.

Ўзбекистон ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» муҳбири



МУТОЙИБАГА МОЙИЛ ИНСОН

«Хар қандай санъаткор ижодиёти унинг шахсияти билан чамбарчас боғлиқ. Мухлисларнинг таниқли ижодкорлар ҳаётига кизиқишлари ҳам бежиз эмас. Томири хушчакчак аскиялар, бетакрор, серзавқ кочиримлар водийси – Фарғонага тугаш Эркин Воҳидов ҳаётида ҳазил-мутойибага мойил, ўзи ҳам ҳазилкаш, қувнок одам эди...»

Бир қанча ижодкорлар ҳаётидаги қувнок хангома-ларни муҳлис-ларга тортиқ қилиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўраётган маданият ходими Шодмон ОТАБЕКНИНГ «Эркин Воҳидов бир куни...» деб номланган янги китоби китобхон-ларга тақдим этилди. Китобда эл суйган шоир, Ўзбекистон Кахрамони Эркин Воҳидовнинг ҳаётидаги энг сара мутойиба-лар жамланган. Улар орасида китобхона ҳали таниш бўлмаган, илк бор эълон қилинаётганлари ҳам талайгина.

Янги китобга қирган мутойибалардан бир шингилни ҳукминиги а хавола қиламиз.

МАСЛАҲАТ

Эркин Воҳидов дунё кезган, жаҳонгашта ижодкор эди. У жуда кўп таниқли, машхур шахсларнинг суҳбатини олган, ибратли воқеаларга гувоҳ бўлган. Ўзаро гурунглашиб қолганимизда шоир ўша хоти-ралардан хикоя қилиб берарди.

– Москвада чиқадиган «Юность» журнали бир замон-лар жуда машхур эди, – дея хикоя қилган эди Эркин ака. – Ёзувчи Валентин Катаев кўп йиллар журналга бош муҳаррир бўлган. Ҳамма нарсанинг ибти-доси ва интихоси бор. Қунлар-дан бир кун тахририятга янги раҳбар тайинланди. Бу – уруш йиллари анча машхур бўлган, мактаб дарсликларига киритилган «Чин инсон қиссаси» асарининг муаллифи Борис Полевой эди.

Янги раҳбар тажриба-ли, собик бош муҳаррирдан маслаҳат сўрайди:

– Энди бу ёғи қандок бўлар-кин? Нима қилишим керак?

Шунда Катаев ҳамкасбини хайрон қолдириб, шундай деган экан:

– Ижодий ходимларга халақит бермасанг бас, ҳаммаси жойида бўлади.

ШОИРНИНГ КЎЧАСИ

Эркин ака бир куни кечки зиёфатдан уйига қайтаётиб тақсига ўтиради. Йўл-йўлақай «Ўнги янинг, энди чапга бури-линг», дея хайдовчига манзилни тушунтириб боради. Ниҳоят, ўзи яшайдиган Хувайдо кўчаси-га бурилишганда хайдовчининг энсаси қотиб, ёнидаги мижозга идлоа қилади:

– Э-э, шунчалик бошимни қотирмай, Эркин Воҳидовнинг кўчасида тураман десангиз бўлмасмиди?!

Эркин ака жилмайганча бош ирғаб, ноилж «айби»ни бўйни-га олади.



Шодмон ОТАБЕК

ЭРКИН ВОҲИДОВ
БИР КУНИ...

ЭНГ ЯНГИ ГАП

Эркин ака машхур шифокор профессор Эркин Қосимов билан қанда бўлган. Бир куни про-фессор уйда яқин қариндош-уруғлар иштирокида кичикроқ тадбир ўтказди. Меҳмонлардан бири янглишиб, хотинига қатта тоғорани кўтартириб шоир Эркин Воҳидовнинг уйига бо-ришади. Дастурхон атрофи-да овқатланиб, гурунглашиб ўтиришади. Шунда гап ораси-да меҳмон мезбонга юзланиб, сўраб қолади:

– Эркин ака, энди янги гап-лардан ҳам эшитайлик. Шо-ирлар ҳамма янги гаплардан хабардор бўлишади. Оламда нима гаплар бор?

Эркин ака сочиқда оғиз-қўлини артиб, шошмасдан чой хўпларкан, мийиғида кулимси-раб шундай дейди:

– Оламда энг янги гап шуки, базм нариги Эркинжонниқиди бўляпти.

ЖАВОҲИР

Аъзам ЎКТАМ

МЎЪЖИЗА

Етти қават осмон остида турдим,
Жигарим деб етти ога ичини.
Роса етти қунлик йўл юриб кўрдим,
Соҳир камалакнинг етти рангини.

Қўлим ҳайрат ила ёқамни тутди,
Эслаб саждага бош қўйган бобомни.

Айт, эй кўнгил:

Ким буни таъизга етди?

Ташла «Мен – буюкман!» – деган даъвоини.



ИНТЕЛЛЕКТ

Она тимсоҳ

Тимсоҳлар асосан сувда яшаса ҳам тухум қўйиш учун қуруқликка чиқишади. Тухумларни ёриб чиққан тимсоҳчаларни сувда яшашга ўргатиш ҳам она тимсоҳнинг вазифаси саналади.

Диққат савол: қуруқликдаги ҳали юришни билмайдиган тимсоҳларни она тимсоҳ қандай қилиб сувга олиб боради?

Жавоблар келгуси хафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0 (371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2019 йил 22 август 34-сониде берилган саволнинг жавоби: Умумтуркий сўз сифатида ишлатилган, ҳозирда ҳам жонли тилимизда қўлланиб келаётган «қўлик» сўзи улов маъносини билдиради.

КАРИКАТУРА



Изоҳи ўзингиздан...

ПАЗАНДАЛИК

ГЎШТЛИ РУЛЕТ

Керакли масалликлар:

1 килограмм ун, 750 грамм сут, 250 грамм маргарин, 4 дона тухум, 1 чой қошиқ шаккар, 200 грамм ёғ, 2 ош қошиқ ачитқи, 3 чой қошиқ туз, 0,5 килограмм қийма, 2 дона пиёз.

Тайёрланиши:

Қиймага пиёз, туз солиниб, товада бироз қовуриб олинади.

Тухумнинг оқини шаккар билан аралаштириб, иссиқ сутга солинади. Сўнг, 2 стакан ун билан ачитқи солиниб, суюқ хамир қорилди ва 2 соатга музлаткичга қўйилади. Сўнг, суюқ хамир музлаткичдан олиниб, туз, ёғ, 3 та тухум сариғи ва ун солиниб, юмшок хамир қорилди. Хамирни 5 га бўлиб, ҳар бир бўлагини целлофанга ўраб, яна музлаткичга 1 соатга қўйилади. Сўнг, ҳар бир зувалани ёйиб, хона ҳароратида юмшаган маргариндан 50 граммдан суртилади.



Ёйилган хамиргга қийма солиниб, ўралади. Газ печига ойсимон шаклда қўйилиб, устига тухум сариғи суртилиб, седана сепилади ва ўрта оловда 35-40 дақиқа давомида пиширилади.

Эслатма: тайёр зувалаларни музлаткичда сақлаган ҳолда эрталабки нонуштага биттадан пишириш мумкин.

OILA
DAVRASIDA
ijtimoiy-axborot, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририятни маъсуляти чекланган жамияти

Бош муҳаррир
Хусниддин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»; «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компьютерида терилди ва сақланган.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-роқам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Маждов, Элмира Боситхонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммадjon Куронов

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буюртма: Г-937
ISSN 2181-6190 Обуна индекси – 193
Аълав: 2 885 нуسخа.
Нарх: келишу асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳақми 2 босма табок.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишга топширилди: 19:00



123456